ДАРЁЛАРДАГИ СУВ ТАҚСИМЛАШ ИНШООТЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШДА СУВ МУҲОФАЗАСИ ТАДБИРЛАРИ

Жовлиев Ўктам Темирович

Ирригация ва Сув муаммолари илмий тадқиқот институти лаборатория мудири

Сайдуллаев Отабек Абдулла ўғли

Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти таянч докторанти

Абулхаев Эраж Абдушукур ўғли

Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти таянч докторанти

Ҳазратов Маъруфжон Абдуллаевич

Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти таянч докторанти

Авезова Махбуба Бобомуродовна

Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти таянч докторанти

Аннотация: Дарёлардаги сув тақсимлаш иншоотлари (гидроузеллар)дан фойдаланиш ишончлилигини таъминлашда бошқа тадбирлар қаторида атроф-муҳит, шу жумладан, сув муҳофазаси тадбирлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги хақида.

Аннотация - В обеспечении надежности эксплуатации водораспределительных сооружений (гидроузлов) на реках большое значение имеют, в том числе, экологические, в том числе водоохранные мероприятия.

Abstract - In ensuring the reliability of the use of water distribution facilities (hydro nodes) on rivers, environmental, including water protection measures, are of great importance, among other measures.

Калит сўзлар: гидроузел, эксплуатация, ишончлилик, қирғоқбўйи минтақаси, муҳофазаси зонаси, дарё сувининг ифлосланиши, юқори бъефи, пастки бъеф, дарё, канал.

Ключевые слова: гидроэлектростанция, эксплуатация, надежность, прибрежная зона, водоохранная зона, загрязнение речной воды, верховья, низовья, река, канал.

Key words: hydroelectric power station, operation, reliability, coastal zone, water protection zone, river water pollution, upper reaches, lower reaches, river, canal.

Гидроузелнинг эксплуатацияси даврида дарёдаги сувнинг сифатини ўзгариши (сув агрессивлиги, сувда турли нарсаларни сузиб келиб гидроузелга тиқилиши, лойқанинг тўпланиши ва бошқа) натижасида гидроузел гидротехник иншоотларида маълум ўзгаришлар юзага келиб ишончлилик даражасини пасайишига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун гидроузел ва унинг ён-атрофида ўзига хос назорат қилувчи ва чекловчи сув муҳофазаси тадбирлари белгиланади. Ушбу тадбирлар орасида гидроузелнинг сув муҳофазаси қирғоқбўйи минтақасини ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга саналади.

Дарёлардаги сув тақсимлаш иншоотлари жойлашган дарёс сув муҳофазаси зонасининг қисми сифатида кўрилади ва муҳофаза зонаси ҳудудида юритиладиган хўжалик

фаолияти фақатгина амалдаги талаблар доирасида, юқори поғонадаги сув хўжалиги ва бошқа таалуқли ташкилотлар билан келишилган ҳолда олиб борилади.

Сув муҳофазаси зонасида ҳудуд санитария ҳолатини талаб даражасида сақлаш, дарё сувининг ифлосланиши ҳамда ўзанини тупроқ эрозияси қолдиқлари билан тўлишини олдини олиш мақсадида махсус тартиб ўрнатилади. Мазкур ҳудуддаги хўжалик фаолияти фақатгина ушбу тартиб асосида йўлга қўйилади.

Сув муҳофазаси зонаси барча дарёларда бўлгани каби Зарафшон дарёси учун ҳам тайинланади. Сув муҳофазаси зонасига дарё поймаси, дарёда сув кўпайган даврда сув босадиган барча ҳудудлар, қирғоқларнинг тепалари ва қияликлари киритилади. Сув муҳофазаси зонаси кенглиги дарё ўзани ёнидаги ерларнинг геоморфологик ва гидрогеологик ҳолатлари ҳамда дарё сувининг кўп йиллик ўртача сарфи асосида белгиланади.

Агар қирғоқ бўйи минтақасининг белгиланган чегараси гидроузел учун ажратилган ҳудуднинг чегарасига нисбатан қирғоққа яқинроқ жойлашган бўлса, қирғоқ бўйи минтақаси гидроузел учун ажратилган ҳудуднинг чегараси бўйича белгиланади, агар қирғоқ бўйи минтақасининг чегараси гидроузел ҳудудидан ташқарига тўғри келса, қирғоқ бўйи минтақасининг чегараси гидроузел ҳудуди чегарасидан ташқарига чиқиши мумкин.

Дарёлардаги сув тақсимлаш иншоотлари (гидроузеллари)нинг ҳудуди ва сув муҳофазаси зонасида ҳар қандай хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш фақатгина амалдаги қонун-қоидалар асосидаги рухсат билан амалга оширилади, бундай рухсатномаси бўлмаган ҳар қандай фаолият ноқонуний ҳисобланади.

Гидроузелнинг сув муҳофазаси зонасида қуйидагилар таъқиқланади:

– ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига, бегона ўтларга қарши ишлатиладиган заҳарли дориларнинг ҳар қандай турларини қўллаш ва кўмиш;

– заҳарли дорилар, пестицидлар, гербицидлар ва минерал ўғитлар сақланадиган омборлар, аппаратларни заҳарли дорилар билан тўлдирадиган майдончалар қуриш;

– чиқит сувларни (канализация) тозалаш иншоотлари ва чиқит сувларни тўпловчи ҳовузларни жойлаштириш;

– ўлган ҳайвонлар ва паррандалар кўмиладиган, турли ахлатлар ва чиқиндилар, шу жумладан, кимёвий ва радиоактив моддалар ташланадиган жойларни юзага келтириш;

– ёнилғи-мойлаш материалларини қуйиш нуқталари. автотранспорт, тракторлар ва бошқа техник воситаларни тўплаш, таъмирлаш, ювиш ва техник қаровдан ўтказиш жойларини ташкил қилиш;

– саноат корхоналари ва маиший- хўжалик объектларининг тозаланмаган чиқит сувларини ташлаш;

– чорва моллари ва подаларни боқиш, жунини ювиш, терисини ивитиш;

– дарахтлар ва буталарни (санитар кесишдан ташқари) кесиш.

Дарёлардаги сув тақсимлаш иншоотлари (гидроузеллар) сув муҳофазаси зонасида сувнинг ҳолатига таьсир кўрсатувчи қурилиш, тубни чуқурлаштириш ва портлатиш ишларини олиб бориш, фойдали қазилмалар ва сув ўтларини қазиб олиш, кабеллар, трубопроводлар ва бошқа коммумикацияларни ётқизиш, бурғилаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларни бажариш фақатгина давлат органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Дарёлардаги сув тақсимлаш иншоотлари (гидроузеллари)дан ўтувчи сув сифатини, айниқса, лойқалигини иложи борича назорат қилиш лозим. Бунинг учун гидроузелга сув келувчи ва сув кетувчи ўзанлардан сув намуналари олиниб, лабораторияда кимёвий таҳлил қилинади. Таҳлил натижаларини ўзаро таққослаш асосида гидроузел иншоотлари олдида йиғилган лойқа миқдори аниқланиб, уларни ювиб ташлаш бўйича зарур тадбирлар белгиланади.

Дарё сувида оқиб келиб гидроузел иншоотлари олдида йиғилган дарахтлар қолдиқлари ва бошқа жисмларни вақти - вақти билан сувдан олиб ташлаш орқали иншоотлар олди тозалаб турилади. Тозалаш ишларининг муддати ва ҳажми гидроузел юқори бъефидаги сув юзасини доимий кузатиш натижалари асосида белгиланади. Бажарилган ишнинг ҳажми ва муддати гидроузелдан фойдаланишда амалга ошириладиган тадбирларни қайд қилиш журналига ёзиб борилади.

Гидроузел юқори ва пастки бъефлари қирғоқлари ювилиши олдини олиш учун дарё сув оқимини йўналтирувчи тош уюмларини ҳосил қилиш, бузилаётган қирғоқларга бетон қопламалар ётқизиш каби тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинади.

Гидроузел ҳудудида дарахт ва бутазорларни кўпайтириш ва уларни асраш, қирғоқларни бузилишига йўл қўймаслик ва қирғоқбўйи минтақасидан қум, шағал, лой олишга рухсат бермаслик гидроузелнинг қирғоқбўйи муҳофаза минтақасини сақлашнинг асосларидан ҳисобланади.

Гидроузел қирғоқбўйи муҳофаза минтақаси чегараларининг бузилиши дарёга турли ифлосликларни ташланишига олиб келиши мумкин. Буни бартараф қилиш учун гидроузел қирғоқбўйи муҳофаза минтақасининг мунтазам чегаралари аниқ белгиланиб, ҳудудда олиб бориладиган барча ишлар устидан доимий назорат ўрнатилади. Рухсат этилмаган ишлар амалга оширилган ҳолларда дарҳол уларни тўхтатиш чоралари кўрилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдураупов Р. Р. Разработать и внедрить инструкции по технической эксплуатации крупных гидроузлов Минводхоза РУз. Отчет о НИР. Архив САНИИРИ. Ташкент, 1995 г..

2. Гаппаров Ф.А., Ибрагимов И. Ю. Суволгич гидроузелларни техник ишлатиш бўйича намунавий йўриқнома. ИТИ ҳисоботи. САНИИРИ архиви. Тошкент, 2008 й.

3. Ибрагимов И. Ю. Комплексная оценка надежности и выдача рекомендаций по её повышению для крупных гидроузлов и селехранилищ РУ. Отчет о НИР. Архив САНИИРИ. Ташкент, 1993 г.

4. Садыков А.Х. Оценка надежности и выдача рекомендаций по её повышению для крупных гидроузлов и малых водохранилищ Самаркандского и Кашкадарьинского областей. Отчет о НИР. Архив САНИИРИ. Ташкент, 1992 г.